Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 19 fevral, seshanba
№ 21 (14512)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам - Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 22 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 22 февраль куни дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 февраль

ЙИЛ ВА ЭЛГА НАЗАР



Президентимизнинг 2001 йилда Республикани ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузаси барча юртдошларимиз қатори кўплаб ёшларни ҳам тўлқинлантириб юборгани рост.

Азиз АКРОМОВ олган суратлар

— Ойнаи жаҳон орқали Президентимизнинг маърузасини тинглар эканман, йил давомида беҳад улкан ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдим, — дейди Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети биринчи босқич магистри Файзулло Нормаматов. — Чунки, Президентимиз тилга олиб ўтган амалий ишларни матбуот ва телевидение орқали кузатиб, кўриб борганмиз. Аммо, илгари бу қадар улкан ишлар амалга оширилганини тасаввур қилиб кўрмаган эканман.

— Юртимизнинг бир йиллик тараққиёти, "эртак"дек туюлиши турган гап. Аммо биз унинг жонли гувоҳимизки, ҳар қандай иғво-ю бўҳтонлар чалғитолмайди. Ахир, юракдан яшаган, юракдан ишлаган халқ ҳар қандай бунёдкорликка қодир, — деб фикрини ифодалайди Тошкент Давлат аграр университетининг талабаси Баҳромбек Қамбаров.

Бугун ана шундай юксак ишонч ва қатъият билан Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига қадам ташлаётган ёшларни жуда кўп учратамиз. Уларнинг узоқни кўра билувчи, зукко зеҳнига таҳсин айтамиз. Айниқса, куни-кечагидек Президентимизнинг маърузаларидан сўнг ва ҳамиша халқнинг юрагидаги гапларни айтган кезларида ёшларимизнинг бундай кайфиятини янада яққолроқ намоён бўлганини кузатамиз.

— Президентимизнинг ҳар бир китоб ва маърузаларини ўқиб ўрганаман. У кишини ойнаи жаҳон орқали ҳар кўрганимда қувониб кетаман. Ахир, бизни фарзандларим деб паноҳига олган, барча имкониятларни яратиб бераётган бундай улуғ кишини ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Президентимизнинг **2001 йилда республикани ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисдаги "Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз"** деб номланган маърузасини тинглаб, тўлқинланиб кетдим. Ерталаб туриб, биринчи қилган ишим телефон орқали ҳаяжонимни сизларга етказиш бўлди, — дейди Термиз Давлат университетининг биринчи босқич талабаси Озода Абдураҳмонова.

Дарҳақиқат, бугун янгиланишлар, юксалишлар даврида яшаяпмиз. Қаёққа қараманг, юртимиз обод, барча ҳаракатда. Бир-биридан гўзал бинолар, кенг ва равон йўллар, минглаб ёшларни ўзига жамлаган, барча қулайликларга эга корхона-ю, тинч ва шодумон кунларга шукроналик келтириб кетмон ураётган бободеҳқонга кўзимиз тушади. Ана шуларни ўйлаб турганда, Президентимизнинг маърузада таъкидлаб ўтилган бир фикри атрофга чуқурроқ назар солмоққа ундайди: "...Бу ерда ўтирган барча раҳбарларни огоҳлантириб айтмоқчиманки, бундан бошимиз айланиб, мағрурланиб кетмаслигимиз керак. Бу соҳада ҳали жуда кўп муаммолар бор, уларни ҳал этиш учун белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади".

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ,
«Turkiston» мухбири

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради. Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир, дея таъкидлайди Президент Ислом Каримов. Шу боис Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли соҳаларини эркинлаштиришнинг ҳозирги ривожланиш босқичида маънавий юксалиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимизнинг "Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини бажариш доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бунга ёрқин мисолдир. ЎзА мухбири Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби Аслиддин БОЛИЕВдан давлатимиз раҳбари томонидан жамиятимиз олдига маънавият соҳасида қўйилган вазифалар қандай ҳал этилаётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Ўзбекистон ўн йилдан ошиқ вақт давомида фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан ишонч билан олға бормоқда. Шуни таъкидлаш керакки, республикамизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ушбу йўналишда эришилган ютуқлар, кўп жиҳатдан, юртдошларимизнинг тафаккури ва дунёқараши том маънода ўзгарганлиги, бутун жамиятнинг маънавий янгиланиши ҳамда тикланиши билан изоҳланади.

(Давоми 2-бетда)

ASR JAROHATI

Йигитлик ғурури шуми?

«ЧЕКИБ ТУРСАНГ, ОТДЕК ЮРАСАН» — дейишганди собиқ «дўстларим»

Кейинги пайтларда гиёҳвандлик аср жароҳатига айланиб, ёшларга таҳдид солмоқда. Гиёҳвандлик билан шуғулланаётганлар орасида эндигина ҳаётга қадам қўяётган тенгдошларимиз борлигидан ачинасан, киши. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 8 фоизидан кўпроғи гиёҳвандлик иллатига мубтало бўлган. Айни вақтда бу иллатга қарши бутун дунё аҳли ҳамкорликда кураш олиб бормоқда.

Гиёҳвандлик воситаларининг энг кўп тарқалган тури "героин" бўлиб, чекувчилар содир этаётган ҳуқуқбузарликларнинг 70 фоизи шу заҳри қотил оқибатидадир. Гиёҳвандликка қарши курашда Сурхондарё вилояти наркология диспансерининг ўрни қандай эканлигини билиш мақсадида ушбу шифохонада бўлдик.

Вилоят наркология диспансерида даволанувчилар учун бир йилда 5 миллион 119 минг сўмлик дори-дармон воситалари давлат бюджети ҳисобидан ажратилади. Бу касалларга 6 нафар ҳаким, 4 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими хизмат қилмоқда.

Ҳозир вилоятимизнинг Термиз ва Шарғун шаҳарларида 240 ўринга мўлжалланган наркология диспансери фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда асосан гиёҳвандлик, алкоголизм ёки таксманияга чалинган кишилар даволанади.

(Давоми 3-бетда)

«KAMOLOT» hududi

Мамлакатимиз ёшлари КВН тўғрисида етарли маълумотга эга, десак янглишмаймиз. Чунки, МДҲ давлатлари ёшлари ўртасидаги КВН мусобақаларини кўпчилик кўришган, ҳатто ишқибозлари ҳам талайгина. "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилиб, мусобақалар мамлакат ёшлари орасида кенг қамровда ўтказилаётгани олий ўқув юртлари талабалари кўнглидаги гап бўлди. Ахир, келажакда МДҲ ёшлари билан Ўзбекистон ёшлари тенгма-тенг мусобақалашса, фахрланмай бўладими?! Бунинг учун эса тажриба алоҳида аҳамият касб этади.

Навбатдаги чорак финал ўйинлари Гулистон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Гулистон Давлат университетининг "Божалар" ҳамда Жиззах Политехника институтининг "Офарин" жамоалари ўзаро куч синашишди. Албатта, бу баҳсларда ёшлардан қувноқлик ва зукколик кўпроқ талаб этилиши табиий. Аммо вилоят олий ўқув юртлари жамоаларининг ҳаммаси ҳам буни тўғри англаб етмаган кўринади. Биринчи шартда гуруҳ аъзоларининг ўзларини таништириши, рақибларига ҳурмат сақлаган ҳолда табрик йўллашлари айтилганди. Албатта, ҳазил-мутойиба ҳаракат қуроли, дея белгиланганди. Бу шартни "Божалар" жамоаси қочириқлар, ташбеҳлар, бўрттиришлар орқали бажарган бўлса, "Офарин"чилар шеърий қасида билан амалга оширмоқчи бўлишди-ю, аммо анчайин жиддийлаштириб қўйишди. Буларни эслатишдан мақсад гуруҳлар навбатдаги баҳсларда эътибор қаратишар, деган ниятдамиз. Иккинчи шартда ҳам "Офарин"чилар ҳарбий хизматга чақирилган ёшларнинг хизматга бормаслик учун турли баҳоналар ўйлаб топишини мавзу қилиб олишибди. Албатта, ижро яхши, мавзу эскирган. Шунингдек, хотима йўқ, тарбиявий аҳамияти, ёшларга таъсири сезилмади. "Божалар" эса шу куннинг муаммосини, яъни ёшларни турли ножўя йўллардан, гиёҳвандлик балосидан қайтаришга, тўғри йўл кўрсатишга чорловчи саҳна кўринишларини бажаришди. Бу ерда режиссёрлик маҳорати ижро давомида сезилиб турди.

Энг ҳайратланарлиси, Гулистон шаҳри марказида жойлашган О. Хўжаев номидаги вилоят театри биноси ёшларнинг ҳайқириқларидан, жўшқин қўллаб-қувватлашларидан ларзага келиб турди. 500 ўринга мўлжалланган умумий залда 800 га яқин ёшлар ўз жамоаларини олқишлаб туришди. Ёшлардаги бундай қизиқиш кўрик-танловни ташкил этган "Камолот"чиларнинг тўғри йўл танлаганларини тадбир давомида билдириб турди. Бундай шароитда ҳайъат аъзоларидан холислик, одилоналик талаб этиларди. Чунки уларга минглаб нигоҳлар қадалиб турарди. Ёшлар қалбида ишончсизлик, адолатсизлик каби нохуш фикрларни уйғотиш асло мумкин эмасди. Шундан бўлса керак, тадбир сўнгида ҳайъат аъзоларига жамоалар, уларнинг раҳбарлари ўз ташаккурини билдиришди.

Энди кўрик-танловга келсак, ўз вилояти, ўқув юрти руҳиятини ифода этувчи мусиқали тайёрланган композициялари анчайин жонли чиқди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам саҳнада миллий руҳ сезилиб туриши керак. Чунки, МДҲ миқёсига ўз КВНимизни олиб чиқадиган бўлсак, у ердаги томошабин, аввало миллий маънавиятимизга, ўзимизга хослигимизга, анъаналаримизга кўпроқ эътибор қаратишади. Шундагина КВНга янгилик олиб кирган бўламиз.

Қизғин курашлар жамоаларнинг "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловига нечоғли тайёргарлик кўрганликларини ойнадек равшан этди. Жамоалар тўплаган балларида ҳам унчалик фарқ йўқ: "Офарин" — 150, "Божалар" — 155. Кўпчилик қатори биз ҳам муваффақият билан "Божалар" гуруҳини табрикладик.

Тадбир сўнгида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуранбоев сўз олиб, кўрик-танловни кўтаринки руҳда ўтишига ўз ҳиссасини қўшишган гуруҳ аъзоларига ҳам, уларни олқишлаб турган ёшларга ҳам ташаккур билдирди. Ҳаракатнинг Сирдарё вилояти Кенгаши томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғаларни топширди.

МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ



Бугун сиз билан бизни ҳайратга солаётган футболчи Абдуқаҳҳор Маъруфалиев нимага эришган бўлса, меҳнат ва машаққатлар билан эришди. Унинг футболдаги ютуқлари мустақиллик билан баб-баробар. Мустақиллик Абдуқаҳҳорнинг белига қувват, орзуларига ижобат бахш этди. "Пахтакор"да, "Навбаҳор"да МҲСКда, "Дўстлик"да чемпион бўлди. Биллур кубокни қўлга киритди. Энг муҳими — Ўзбекистон терма жамоаси сафида Осиё ўйинлари ғолиби бўлди.

Кейинги ўн йил мобайнида мухлислардан фақат олқиш олди. Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари, Хитой, Бангладеш, Қувайт, Эрон, Камбоджа, Ҳиндистон, Жанубий Африка Республикаси, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон терма жамоаларига қарши чиройли ўйин намойиш этиб, эътибор топди. Бир сўз билан айтганда, унга ким ишонч билдирган бўлса, ҳаммасини хурсанд қилди.

Унинг қалбига қулоқ тутсангиз, Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов, Фарҳод Могометов, Миржалол Қосимов, Андрей Пятницкий, Валерий Кечинов, Николай Ширшов, Илҳом Шарипов, Рустам Акромов, Рустам Мирсодиқов, Биродар Абдураимов, Юрий Саркисянларга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром борлигини ҳис этасиз. У шулар билан бирга юксак ютуқларга эришди.

Абдуқаҳҳор ҳали ҳам чаққоноёқлар сафида. Армони ҳам, дармони ҳам бор. Энг муҳими у ўзўзини англаш, тушуниш ва йўлга солиш қобилиятига эга. Биз унга ҳавас қиламиз. Яшасак ҳам шундай — шу йигитдек яшасак деймиз.

ҚУВНОҚЛИК, ЗУККОЛИК ЁШЛАРГА ХОС

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Turkiston» мухбири

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

ЯҚИНДА Косон тумани ўқувчи-ёшлари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови ўтказилди. Мазкур кўрик-танловда туман бўйича 10 мингдан ортиқ ўқувчилар иштирок этишди. Кўрик-танловнинг туман биринчилигида Бобур номидаги мактабнинг "Қалқон" жамоаси биринчиликни қўлга киритди.

* * *

"КАМОЛОТ" ёшлар ижтимоий ҳаракати Косон туман Кенгаши ташаббуси билан туман ўқувчи ёшлари ўртасида Ватанимиз тарихи, бетакрор маданияти, туманнинг келиб чиқиш тарихини аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва мероси ўрганилишини йўлга қўйиш мақсадида туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Аждодларимиз мероси", "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик танловда тумандаги А.Икромов номидаги мактаб жамоаси биринчи ўринни, Беруний номидаги мактаб жамоаси иккинчи ўринни, У.Носир номидаги мактаб учинчи ўринни эгаллади.

У.ОЧИЛОВ

XXI аср — ёшлар асри

Ўлмас НУРМАҲМАТОВ, Ўзбекистон Миллий университети талабаси

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

Нилуфар ТЎРАЕВА, Тошкент Педагогика коллежи талабаси

Янги Дунё — ёшлар дунёси

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

Халқимизнинг ўзига хос, бетакрор хислатлари борки, бунақасини бошқа бирон халқда учратмайсиз. Дейлик, ҳашар — қўни-қўшни, ёр-биродарларнинг ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги белгиси. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деганларидек, кўпчилик билан бажарилган иш ортиқча сарф-харажат, қийинчилик туғдирмайди. Шундай экан, "Камолот" бежизга ҳаракат дейилмади.

«Камолот»нинг ташаббуси



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар бир маҳалла, ҳар бир мактабда босқичма-босқич, ёшлар томонидан ҳашар йўли билан спорт майдончалари барпо этиш ташаббуси бир овоздан маъқуллангани ҳақида аввал хабар берган эдик.

Бугун ушбу ташаббус аҳамияти хусусида тўхталиш ниятидамиз.

Маълумки, инсон саломатлиги — унинг энг катта бойлиги. Шу билан бирга, инсон маънавий дунёсининг шаклланишида жисмоний тарбиянинг ҳам аҳамияти беқиёс, зеро "Соғлом танда соғ акл", деганлари бежиз эмас. Ёшларни баркамол инсон этиб тарбиялаш хусусида сўз борар экан, уларнинг соғлиги ва жисмонан етуклиги, маънавий оламини бойитиш масаласи билан бир қаторга қўйилаётганининг сабаби ҳам шундадир.

Шу боис "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати келажак авлодни комиллик сари етакловчи ташкилот сифатида уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ишда Ҳаракат томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган анъанавий "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинлари, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Қувноқ стартлар" беллашувлари ҳамда маҳаллалараро шахмат-шашка ва футбол турнирларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Аммо бундай мусобақаларда барча мактаб ва маҳаллаларнинг иштироки бирдек юқори, деб бўлмайди. Чунки айрим, айниқса, чекка мактаб ва маҳаллаларда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун имкон берувчи спорт майдончалари ё мавжуд эмас ёки таъмирга муҳтож аҳволда. Баъзиларида эса шундай майдончалар мавжуд бўлса-да, уларда спорт анжомлари етишмайди. Шундай экан, бу ердаги ёшларнинг турли спорт мусобақаларидаги иштироки кўнгилдагидек бўлмаслиги, уларнинг юқори натижаларга эриша олмаслиги табиий. Бундан ташқари, бу ҳолат ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этишга ҳам салбий таъсир ўтказиши ҳеч гап эмас. Ишёқмаслик, дангасалик, лаёқатсизлик, бепарволик иллатлари, ножўя хатти-ҳаракатлар ҳаракатсизликдан келиб чиқади.

Демак, ҳар бир маҳаллада, ҳар бир мактабда босқичма-босқич оддий спорт майдончаларини барпо этиш ташаббусининг туғилишига, айни шу ҳолатларга барҳам бериш истаги туртки бўлди, десак, янглишмаган бўламиз. Зеро, ёшларни камолот чўққисига етаклайдиган, муаммоларини ҳал этишда кўмакчи бўлган "Камолот"нинг ушбу нохуш ҳолатга бефарқ қараб турмаслиги, уни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф билан чиқиши кундай равшан эди.

Ушбу ташаббуснинг амалга оширилиш механизми билан танишар экансиз, унинг бир йилга мўлжалланган тадбир эмас, балки доимий ва изчил равишда давом этувчи жараён эканлигига амин бўласиз.

Ташаббус қуйидаги тарзда амалга оширилиши режалаштирилган. Дастлаб Ҳаракатнинг туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ўз ҳудудларида жойлашган маҳаллалар, умумтаълим мактабларига тегишли спорт заллари, майдончалари, клублари ва соғломлаштириш марказларининг борйўқлиги, агар мавжуд бўлса, уларнинг ҳолати, тегишли спорт жиҳозлари билан таъминланганлиги, ишлаш вақтлари бўйича аниқ маълумотлар тўпланади. Уларни тўплашда туман ҳокимлиги, жойлардаги давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси бўлимлари, "Маҳалла" жамғармаси, Халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорлик қилинади.

Ушбу маълумотлар банкини яратиш орқали оддий спорт майдончаларининг қурилиши ёки таъмирланиши лозим бўлган маҳалла ва ўқув юртларини аниқлаш билан бир қаторда ташаббуснинг доимийлигини таъминлашга ҳам эришилади. Ташаббуснинг амалга оширилиши эса ушбу маълумотларга мувофиқ тузилган аниқ режага асосланади.

Ёшлар томонидан ҳашар йўли билан оддий спорт майдончаларини қуриш ёки таъмирлаш ишларида албатта маҳаллий ҳокимликлар, манфаатдор ташкилот, корхоналарни жалб этиш кўзда тутилган. Чунки бу ишни фақат бир ташкилот зиммасига юклаб қўйиш мантиққа тўғри келмаса керак. Ташаббусни амалга оширишда асосий урғу этиб, ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг бевосита иштирокини таъминлаш билан биргаликда маҳаллий ҳокимлик, хўжалик юритувчи корхона, ташкилот, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳам жалб этиш мўлжалланган. Агар битта хўжалик футбол дарвозасини, иккинчи хўжалик волейбол устунларини, яна бир корхона ёки ташкилот спорт майдончаси атрофига экиш учун дарахт кўчатларини, бошқаси эса ўзининг имконияти даражасида бошқа масалада моддий ёки молиявий ёрдам кўрсатса, бу ишнинг аҳамияти ошади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир туманда йил давомида биттадан оддий спорт майдончасининг қурилиши ёки таъмирланиши республика бўйича йилига 200 дан зиёд шундай иншоот барпо этилади ёки янги ҳолатга келади, демакдир.

Кўриниб турибдики, ушбу ташаббус замирида ёшларимизнинг соғлигига эътибор, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга имкон яратиш, юртимизда спортни оммалаштириш ва ривожлантиришга ҳисса қўшиш, энг муҳими, келажагимиз эгаларини буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришдек эзгу мақсадлар мавжуд.

Юртимизда ёшлар келажаги учун қайғурувчилар беҳисоб, шу сабабли ҳам "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлаган бу ташаббус кўплаб юртдошларимиз қалбида акс-садо бериб, кўзлангандан-да юксакроқ натижа бериши шубҳасиз. Ишончимиз комил-ки, ушбу ташаббусни саховатли инсонлар, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, таълим соҳаси вакиллари, албатта, қўллаб-қувватлашади. Эл орасида "Камолот"ни дуо қилувчилар кўпаяди.

Ушбу ташаббусга бўлган муносабатингиз, уни амалга оширишда нималарга эътибор берилиши борасида агар фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, таҳририятимизга ёки жойлардаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимларига мурожаат этасиз, деган умиддамиз.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати матбуот хизмати

ТЕННИС

ИРОДА — КУЧЛИЛАР САФИДА

Аёллар теннис уюшмаси (WTA) дунёдаги энг кучли ракетка усталарининг навбатдаги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унда америкалик олимпия чемпиони Женнифер Каприатти 4825 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Кейинги икки поғонани ҳам АҚШ теннисчилари - Венус Уильямс ва Линдсей Дэвенпорт эгаллаб турибди. Бир пайтлар жаҳоннинг энг кучли ракетка устаси ҳисобланган швейцариялик Мартина Хингис эса 3841 очко билан тўртинчи ўринни банд этган.

Ўтган йилдан буён энг кучли теннисчилар сафидан номи тушмай келаётган ўзбекистонлик ракетка устаси Ирода Тўлаганова ўн тўққизинчи ўринда қайд этилган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
«ЎзА»

Қодиржон ЮСУПОВ олган сурат

Суратда: **Фарғона вилояти Қувасой шаҳар «Беҳизор» ширкат хўжалиги ёш ижарачиларидан Олимбек МАННАСОВ.**

ТАДБИР

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

Самарқанд вилоят ҳокимлиги касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилаётган "Энг яхши китобхон" кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан саккиз нафар талаба иштирок этди. Биринчи ўрин Каттақўрғон педагогика касб-ҳунар коллежи талабаси Гавҳар Туробовага, иккинчи ўрин Самарқанд Давлат чет тиллар институти академик лицейи талабаси Сарвиноз Мустафоевага, учинчи ўрин Абу Райҳон Беруний номли педагогика касб-ҳунар коллежи талабаси Шаҳноза Муродовага насиб этди.

Содиқ НАМОЗОВ,
«Turkiston» мухбири

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

(Давоми, Боши 1-бетда)

Мазкур Фармоннинг маънавий соҳада ижросини таъминлаш мақсадида Кенгаш томонидан иккита: "Жамият маънавиятини янада юксалтириш" ва "Аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш" дастурлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бунинг учун мамлакатнинг таниқли фан, таълим ва маданият арбобларидан иборат ўн учта илмий-услубий кенгаш ташкил этилди. Ҳар бир кенгаш ўз низомига эга бўлиб, уларда кенгаш аъзолари олдига қўйилган вазифалар акс эттирилган. Уларга бу борада республиканинг кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан Фанлар Академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Давлат матбуот қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда. Миллий ва умумбашарий маънавий қадриятларни уйғунлаштиришга йўналтирилган миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини амалга ошириш, Ватанимизнинг равнақи йўлида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш мазкур кенгашларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан юқорида номлари зикр этилган ташкилотлар билан ҳамкорликда буюк мутафаккир-аждодларимизнинг мероси, ўзбек халқининг маънавий ва диний қадриятлари билан таништирадиган бир қанча илмий-оммабоп китоблар, бугунги болалар адабиёти, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, публицистик асарлар, янги тарихимизга оид китоблар тайёрланди ва чоп этилди.

Шунингдек, халқимизнинг энг яхши миллий урф-одатлари, анъаналарини ўрганиш ва тиклаш, мусиқали, амалий санъатни тарғиб қилиш, оила муаммоларини ҳал этиш йўлларини излаш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради. Илмий-услубий кенгашлар иштирокида фалсафа, Ўзбекистон тарихи, эстетика, мантиқ илми, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, педагогика, руҳшунослик, дин асослари, ҳуқуқшунослик, маданиятшунослик, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" каби ижтимоий фанлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва жойларга тарқатилди.

Олий ўқув юртлари талабалари учун мамлакатимиз ҳудудидаги дастлабки тараққиёт давридан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган Ватанимиз тарихига оид маърузалар курси тайёрланди. У ўқувчиларни ўзбек давлатчилиги асослари билан таништиради. Мамлакатда келгусида тараққиёт ва фаровонликни таъминлашда миллий истиқлолнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган қатор муҳим монографиялар чоп этилди. Шу билан бирга, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маърузалар учун материаллар" ўқув қўлланмаси ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланди ва кўп нусхада чоп этилди. Ушбу фан бугунги кунда мамлакатнинг барча ўқув юртлари ўқув дастурларига киритилган. Зеро, миллий истиқлол ғояси ҳар биримизнинг, айниқса ёшларнинг фикрлаш асосига айланиши керак.

Бундан ташқари, республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузурида миллий мафкура илмий тарғибот маркази очилган. Ҳозирда марказ назарий, илмий, илмий-амалий дастурлар ва қўлланмаларни тайёрлаш, тарқатиш билан бир қаторда "Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармоннинг ижроси мониторингини ҳам амалга оширмоқда. Марказда "Тарғиботнинг миллий тажрибаси: тарихий ривожланиш босқичлари ва услубиёт", "Мафкуравий курашнинг глобал жараёни ва услубиёт", "Маънавият ва маърифат соҳаси ходимларининг мафкуравий билимларини чуқурлаштириш масалалари", "Фуқароларда мафкуравий тахдидга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг самарали йўллари" каби муҳим йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Миллатлараро ва динлараро тотувлик мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли муваффақиятларга эришишда катта рол ўйнади, десак муболаға бўлмайди. Президент Фармонига кўра, уни янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Масалан, барча вилоятларда "Динлараро ва миллатлараро бағрикенглик - барқарорлик кафолати" мавзуида мунтазам фаолият кўрсатувчи кўчма илмий-амалий семинарлар ташкил этилган. "Ўзбекистон - умумий уйимиз", "Дунё одамлар тасаввурида", "Бир осмон остида аҳил ва иноқ" каби ҳужжатли филмлар суратга олинди. Шунингдек, ўтган йили "Шу азиз Ватан - барчамизники" кўчма кўргазмаси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Бадиий академия билан ҳамкорликда ўтказган шу номли фестивал катта муваффақият билан ўтди.

Вилоят, туман, шаҳар маънавият ва маърифат кенгашлари жойларда олимлар, ёзувчилар ва жамоат арбобларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари билан бирга долзарб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуларда давра суҳбатлари, конференция ва семинарлар ташкил этмоқда. Уларни зарур материаллар билан таъминлаш ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигига ёрдам бермоқда. "Воизга ёрдам" туркумидаги китоблар ва рисолалар мунтазам чоп этиб келинмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу нашрларда миллий истиқлол ғоясини тарғиб этишнинг турли жиҳатларини ёритишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Уларда Президент Ислом Каримов томонидан "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи сўзбошисида илгари сурилган фикрлар моҳияти ва мазмуни ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб берилмоқда. Ушбу рисола асосида ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва маънавий қадриятларини ўрганиш масалаларига бағишланган кўплаб мақолалар ва китоблар чоп этилди. Улар орасида - "Ўзбекистон шўро истибдоди даврида", "Ўзбекистоннинг янги тарихи саҳифалари", "Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари", "20-30 йиллардаги сиёсий қатағон даврида Туркистон тарихи", "Ўзбекистон миллий зиёлилари ва тарихий жараёнлар" каби тадқиқотлар бор.

"Миллий истиқлол ғоясининг концептуал асослари", "Миллий мафкурани тарғиб этишнинг долзарб масалалари", "Маънавият, миллий ғоя ва дин: жаҳолатга қарши маърифат ", "Маънавият ва мафкуравий тарбия", "Вояга етмаганлар билан ишлашда халқ таълими ходимларининг вазифалари", "Болалар адабиёти ва миллий истиқлол ғояси" ва бошқа мавзуларда илмий-амалий семинарлар ва конференциялар ташкил этилди. "Миллий ғоя - бизнинг ғоя" мавзуида доимий семинар ўтказилмоқда. Умуман, ўтган йили 10 мингдан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Бундан ташқари, Фармонни ижро этиш доирасида маънавият соҳаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича ҳар ойда ўн кунлик ўқувлар ўтказиб турилибди. Ҳозирги кунгача ўқувда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 400 нафардан ортиқ киши иштирок этди.

Сир эмаски, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жаҳон цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг номлари ва меросини тиклаш борасида кўп ишлар қилинди. Бу борада Кенгаш томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Фанлар академияси билан биргаликда Бурҳониддин Марғилоний, Имом ал-Мотуридий, Камолиддин Беҳзод тўғрисида илмий-оммабоп рисолалар тайёрланди, Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларига бағишланган китоб нашр этилди, 130 дан ортиқ ўқув ва илмий китоблар, қўлланмалар илмий экспертизадан ўтказилди.

Миллий истиқлол ғоясини чуқур англаган маънавияти бой шахсни шакллантиришни таъминлайдиган давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмалар, услубий материалларни такомиллаштириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. "Миллий истиқлол ғояси" фани бўйича бундай материалларни ишлаб чиқишда Кенгашимиз ва тегишли вазирликлар, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда ижодий уюшма ва жамғармалар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Биз бундай ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият беряпмиз. Чунки бугунги кунда ҳар бир инсон ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Президент Ислом Каримов бу нечоғлик муҳим эканини қайта ва қайта таъкидлаб келаётгани бежиз эмас.

Кенгашимиз мафкуравий жараёнлар мониторинги олиб боришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ундан кўзланган мақсад инсон онги учун мафкураларнинг глобал курашини ўрганиш, бу соҳадаги умумжаҳон ва минтақавий муаммоларни аниқлашдан иборат. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан биргаликда ижтимоий сўровлар ва тадқиқотлар ўтказилмоқда. Уларнинг натижалари бўйича "Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш", "Мафкура полигонлари: глобал, минтақавий ва миллий муаммолар", "Ўзбекистонда маънавият ва маърифат, фан ва ижтимоий фикр" китоблари нашр этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, халқни миллий ғурур ва ўз ўзини англаш руҳида тарбиялаш, жамиятнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш борасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Жаҳон ҳамжамиятини улар билан доимий равишда таништириб бориш мақсадида Интернет тармоғида махсус сайтлар очилди. Ўзбекистонда маънавият соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар бугунги кунда чет элда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мана шунинг ўзи Ислом Каримовнинг: "Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради", деган сўзлари нечоғли ҳаётий эканини намоён қилмоқда.

Бундай ишлар изчил давом этмоқда. Шу билан бирга олдимизда ҳали ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб вазифалар турибди. Такрор бўлса-да айтиш жоизки, фақат маънавий бой, ҳар томонлама билимли шахсларгина янги, очиқ, демократик жамият қура олади.

Элбек ХОЛИҚОВ,
ЎзА мухбири

Узоқ баҳс-мунозаралар, турли туман башоратлар бир қадар якун топиб, Европанинг ягона валютаси — евро муомалага кирганига ҳам бир ойдан ошди. Аслида евро 1999 йил 1 январдан эътиборан нақд бўлмаган ҳисоб-китоблар учун ишлатила бошланган эди. 2002 йилнинг 1 январидан эса Европанинг 12 давлатида - Германия, Австрия, Белгия, Франция, Греция, Италия, Ирландия, Испания, Люксембург, Португалия, Нидерландия ва Финляндияда кундалик савдо-сотиқдан тортиб, давлатлараро ҳисоб-китобларга қадар ҳамма-ҳаммаси евродa амалга оша бошлади. Шу йил февраль ойининг охирига қадар мазкур мамлакатлар евро билан бир вақтда ўз миллий валюталаридан ҳам фойдаланишлари мумкин. Лекин шу ой тугаши биланоқ валюта иттифоқидаги барча давлатлар учун евро яккаю ягона пул бирлигига айланади.

ЕВРОПА: ЯНГИ ВАЛЮТА, ЯНГИ МЕЪЁРЛАР

Бугун евро ҳудудида истиқомат қилаётган нуфуз 308 миллион атрофида. Ягона пулда савдо-сотиқ қиладиган шунча аҳоли ва шундай улкан бозорни бир тасаввур этишнинг ўзиёқ унинг маҳобатини намоён қилади. Айрим мутахассисларнинг фикрича, евронинг муомалага киритилиши нафақат иқтисодий, балки сиёсий маънода ҳам катта аҳамият касб этади. Хусусан, ягона валюта мазкур минтақадаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини янада жадаллаштирувчи катализатор вазифасини ўтайди.

Албатта, ягона валютага етишиш Европа учун осон кечгани йўқ. Илк саъй-ҳаракатлар 1951 йилда, Европа кўмир ва пўлат иттифоқи тузилган вақтдан бошланган эди. Ундан етти йил кейин Европа мамлакатлари умумий бозор яратишга келишиб олди. Фақат 1991 йилга келиб, Европа Иттифоқи давлатлари Голландиянинг Маастрихт шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда ягона валютага ўтиш борасида аниқ келишувга эришди. Бу келишувни амалга тадбиқ этиш учун эса ўн йилдан кўпроқ вақт керак бўлди. Албатта, бу муддат фақат расмиятчилик ишлари учунгина зарур бўлгани йўқ.

Биринчидан, ягона валюта иттифоқига киришни истаган давлатлар маълум талабларга жавоб бериши керак эди. Бу талаблар шундай белгиланди: мамлакатда йиллик инфляция даражаси 1,5 фоиздан ошмаслиги, давлат қарзлари ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизидан юқори бўлмаслиги керак эди. Шунингдек, номзод мамлакатлар беш йил мобайнида миллий валюталарини ўз ташаббуслари билан девалвация қилмаслиги лозим эди.

1995 йил Мадрид учрашувида еврога ўтиш сценарийси расман тасдиқланди. Лекин ҳали олдинда бир қанча сиёсий ва руҳий тўсиқларни енгиб ўтиш, беҳисоб ташкилий масалаларни ҳал этиш юмушлари бор эди. Янги валюта дастлаб ЭКЮ (инглизча European Currency Union сўзларининг қисқартмаси) деб номланган эди. Кейинроқ эса унинг номи еврога ўзгартирилди.

1998 йилда эса янги валюта қандай кўринишда бўлиши ҳақда бир тўхтамга келинди. Навбатдаги масала Европа марказий банкининг (ЕМБ) раиси ким бўлишини аниқлаш эди. Бу масала ҳам ягона валюта йўлидаги баҳсли мавзулардан бири бўлган. Анча тортишувлардан сўнг Европа Иттифоқининг кўпчилик мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланган голландиялик Вим Дейсенберг ушбу лавозимга муносиб топилди. 1998 йилдан бошлаб ЕМБнинг раиси лавозимига ўтирган Вим Дейсенберг белгиланган тартибга кўра саккиз йиллик муддат тугагач, 2006 йилда ўз ўрнини бошқа бировга топширади. Ворис эса ҳозирданоқ маълум. У франциялик банкир Жан-Клод Тришедир.

Янги валюта йўлидаги баҳсли мавзулардан яна бири мазкур иттифоққа кирган давлатлар иқтисодиётига ўзаро фарқлар билан изоҳланади. Масалан, иқтисодиёти унчалик кучли бўлмаган давлатлар учун— европалик иқтисодиётчилар (бу рўйхатга Греция, Португалия ва Испанияни киритишади), ягона валюта ўзини мустаҳкамлаб олиш имконияти сифатида баҳоланди. Лекин янги валютага ўтиш улар учун ҳам силлиққина кечди, дейиш нотўғри бўлар эди. Масалан, грецияликлар учун ўзларининг пули, дунёнинг шу кунгача яшаб келаётган энг қадимий валюталаридан бири драхмадан (драхмани греклар 2650 йил мобайнида ишлатиб келмоқда) кечиш руҳан осон бўлмагани шубҳасиз. Ёки мазкур иттифоқдаги кучли иқтисодиётга эга Германияда ҳам худди шунга ўхшаш кайфият йўқ эмасди. Мутахассисларнинг асосан экспортга йўналтирилган Германия иқтисодиёти учун ягона валюта катта имкониятлар яратиши мумкинлиги ҳақидаги гапларига қарамасдан, иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган давр мобайнида мамлакатнинг иқтисодий юксалиш рамзига айланган дойчмарка билан хайрлашиш германияликлар учун оғир кечгани ҳам табиий.

Қолаверса, еврога ўтиш учун катта маблағ ҳам керак эди. Ташкилий ва бошқа масалалар учун кетган сарф-харажатлар бир четда турсин, биргина қоғоз пуллар ва тангалар тайёрлаш учун озмунча маблағ сарфлангани йўқ. Масалан, муомалага нақд евро чиқариш ва немис маркасини йиғиб олиш учун Германияда 6,7 миллиард марка сарф қилинди. Нидерландияда эса бу тахминан 4,5 миллиард еврога тушди. Лекин бугунги замон иқтисодиёти прагматизмни талаб қилишини кўпчилик яхши тушунади. Европа мамлакатларининг ягона валюта йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтиши учун бош омил ҳам аслида шу бўлди, дейиш мумкин.

Евро борасида мутахассисларнинг фикрлари ҳамон турлича. Баъзилар евро минтақа учун зарур экани ва Европа тараққиётида муҳим аҳамият касб этишига қаттиқ ишонади. Хусусан, Европа марказий банки раиси яқинда журналистларга берган интервьюсида евронинг муваффақият қозонишига шубҳа қилмаслигини яна бир карра таъкидлади. Нидерландия марказий банки раиси Веллинк ҳам айни хусусда гапирар экан, янги валюта мамлакатдаги инфляция даражасини ва истеъмол баҳоларини пасайтиришга кўмаклашмоғига ишонч билдирди. Айрим мутахассислар эса янги валютага ҳамон қандайдир шубҳа билан қараётгани ҳам сир эмас.

Шу ўринда яна бир гапни айтиш керак: келажакда натижалар қандай бўлишидан қатъий назар ягона валюта ғояси дуёнинг бошқа минтақаларидаги мамлакатларда ҳам шундай ҳаракатларнинг туғилишига сабаб бўлди. Масалан, бир-икки йил олдин қатор Осиё мамлакатларининг ҳам ягона валюта яратиш ҳақидаги гаплари қулоққа чалинганди. Ҳатто унга азиан деб хомаки ном ҳам беришганди.

Хуллас, фикр ва башоратлар қандай бўлмасин, вақт олий ҳакамдир. Янги валютанинг нималарга қодирлигини тўла-тўкис билиш учун эса муайян муддат талаб этилади. Ўз саъй-ҳаракатлари самарасини кўриш учун ягона валюта иттифоқи давлатлари олдида вақт синови турибди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси

Жаҳон ҳаёнлари

УОЛТ ДИСНЕЙ НЕГА МУЛЬТФИЛЬМ ЯРАТТАН?

Ёш болалар учун мўлжалланган мультфильм ва кинофильмлар ишлаб чиқарувчи Уолт Дисней компанияси кўпчиликка маълумдир. Худди шу компаниянинг асосчиси Уолт Дисней деган киши бўлиб, у Чикагода таваллуд топган. Уолт ёшлигидан расм чизишга ва фотографияга меҳр қўйиб, ўз қобилиятини намоён эта боради. Биринчи жаҳон уруши пайтларида у Американинг қизил хоч жамғармасида фаолият кўрсатиб, уруш йиллари қийналган болаларни кўриб, уларга нисбатан меҳр уйғона бошлайди. Уолт 1923 йили Холливудга бориб, ўз ижодий фаолиятини бошлайди.

1927-1928 йилда "Осфальд-омадли қуёнча" номли кўп қисмли мультсериални тақдим этиб, томошабинлар эътиборини қозонади. Шундан сўнг Уолт ўзи ёқтирган қаҳрамон "Микки Маус"ни томошабинлар эътиборига ҳавола қилган. Булар дастлаб овозсиз, сўнгра технологик қурилмалар ривожлангач, овоз билан рангли тарзда эфирга узатила бошланади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Уолт Дисней мультфильмларида ҳақиқий инсонлар кўринишидаги қаҳрамонларни ярата бошлайди. 1955 йилга келиб у шимолий Колифорнияда бутун дунёга машҳур бўлган "Дисней Ленд" кўнгил очар атракцион мажмуасини очади.

Уолт Дисней 65 ёшида Колифорнияда оламдан кўз юмади.

Рустам ТОҒАЙМУРОД

СПОРТ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, ҚАТЪИЯТ

«ОЛИМПИАДА-2002» КУНДАЛИГИ

Олимпиада ўйинларидан жой олган хоккей турнирида Канада вакиллари Германия терма жамоаси устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. "С" гуруҳида эса швед хоккейчилари амалдаги олимпиада чемпионлари — чехияликлар жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Турнирнинг учинчи турида скандинавиялик спортчилар Германия жамоаси билан учрашишса, Чехия терма жамоаси хоккейчилари канадаликлар билан майдонга тушишади. "Д" гуруҳидаги сўнгги турда эса Беларус хоккейчилари АҚШ жамоаси билан куч синашади.



ОЛИМПИАДА РЕКОРДЛАРИ

Конькида 1000 метрга югуриш мусобақасида америкалик Крис Витти олтин медаль соҳибаси бўлди. У 1:13:83 натижа кўрсатиб, янги жаҳон ва олимпия рекордини ўрнатди.

ШОҲСУПА ЭГАЛАРИ

4х10 чақиримга чанғи эстафетаси. Эркаклар: Томас Альсгорд (Норвегия)

Бобслей икки кураши: Кристоф Ланген ва Маркус Циммерманн (Германия)

МАХАРАДЗЕ МАҲОРАТИ

Санъат асарини яратиш кишидан ўзига хос истеъдод талаб қилса, бу маҳсулни тушуниб, ихлосмандларга шарҳлаб етказишга ҳам алоҳида бир қобилият керак. Ана шундай сўз санъаткорларидан бири, кўпчилик спорт мухлисларига қадрдон бўлган инсон, гуржистонлик журналист Котэ Махарадзедир. Унинг санъатидан баҳраманд бўлганлар ҳалигача Махарадзе маҳоратини унута олишмайди. Яқинда Киевда "Микрофонсиз шарҳ" китоби тақдимотини ўтказган машҳур шарҳловчи Украина футбол федерацияси президенти Григорий Суркиснинг шу йил март ойида бўлиб ўтиши кўзда тутилган Украина - Япония терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашувини шарҳлаш тўғрисидаги таклифига рози бўлган. Бу яқинда ўзининг 75 ёшини нишонлаган Котэ Махарадзе учун Украина телевидениесидаги биринчи иш эмас. Икки йил илгари у мамлакат президенти Леонид Кучманинг шахсий таклифига кўра, Чемпионлар лигасидаги "Динамо" (Киев) — "Бавария" (Мюнхен) учрашувини шарҳлаганди.

ФОРС КЎРФАЗИ КУБОГИ

Бу Кубокни 2002 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича ЖЧ иштирокчиси Саудия Арабистони терма жамоаси футболчилари қўлга киритишди. Ҳал қилувчи баҳсда улар Қатар футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Иккинчи ўрин 12 очко тўплаган Қатар терма жамоасига насиб этди.

Ўтган йилги чемпион — Қувайт футболчилари (5 очко) учинчи ўринни эгаллашди. Кейинги ўринларни Баҳрайн, Уммон ва Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари ўзаро бўлишиб олишди.

КОНКАКАФ «ОЛТИН КУБОГИ»

Турнир финалида АҚШ футболчилари Коста-Рика терма жамоаси устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишиб, иккинчи маротаба "Олтин кубок"ни қўлга киритишган. КОНКАКАФнинг ўтган йилги ғолиби канадаликлар Жанубий Корея жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишиб, учинчи ўринни эгаллашди.

ШВЕЙЦАРИЯ — 1954: ҚИЗИҚАРЛИ РАҚАМЛАР

Футбол бўйича жаҳоннинг бешинчи чемпионати Швейцарияда ўтказилган.

1.Чемпионатнинг чорак финал учрашувидаги Австрия-Швейцария баҳсида дарвозаларга 12 та тўп киритилган (ҳисоб 7:5). Бу натижа ўтган XX асрда бўлиб ўтган бошқа ҳеч бир ЖЧда қайд этилмаган.

2.Швейцарияда бўлиб ўтган ЖЧнинг яна бир ўзига хос жиҳати — жамоалар дарвозаларга энг кўп 140 та тўп киритишга муваффақ бўлишган.

3.Жамоалар биринчи марта гуруҳ ўйинларида икки мартадан учрашув ўтказишган. Агар иккинчи-учинчи ўрин учун баҳс олиб бораётган жамоалар кўрсатган натижалар тенг бўлиб қолган тақдирда, қўшимча ўйин белгиланган.

4. Югославия терма жамоаси таркибида Милутинович деган футболчи ҳам иштирок этган. Бу Милош Милутинович бўлиб, у бу йилги ЖЧда бешинчи марта иштирок этишга тайёргарлик кўраётган Хитой терма жамоасининг ҳозирги бош мураббийси Велибор Милутиновичнинг акасидир.

5.Бешинчи ЖЧдаги ғолибни аниқлаб берувчи Германия-Венгрия (ҳисоб 3:2) баҳсида дастлаб 0:2 ҳисобида ютқазаётган немислар учрашув якунигача учта тўп киритишга муваффақ бўлишган.

6.Ўйинлар Швейцариянинг олти шаҳридаги футбол майдонларида бўлиб ўтган.

7. Германия терма жамоасининг бош мураббийси Йозеф Гербергер учта жаҳон чемпионатида қатнашган биринчи терма жамоа раҳбари бўлди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

"Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик темирйўл компанияси ишчи хизматчиларининг саккиз минг нафарини ёшлар ташкил қилади. Ёшларга ўқиш ва иш шароитлари, касб-кор ўргатиш, уларни тарбиялаш мақсадида компания қошида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўн тўққизта бошланғич ташкилотлари фаолият юритмоқда.

— Мамлакатимиз аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Бугунги ёшлар эртанги истиқбол эгаларидир. Шундай экан уларга берилаётган эътибор эртанги кун учун қўйилган пойдевордир, — деди "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси раисининг ёшлар иши бўйича ёрдамчиси Отабек Умаров "Туркистон-пресс" мухбирига. — Биз ёшларнинг ўқиш ва иш шароитларини мунтазам ўрганиб борамиз. "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясида ёшлар билан ишлаш борасида дастур ишлаб чиқилган. Ушбу дастурнинг асосий мақсади ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўринни топишлари учун қўллаб-қувватлаш, ижодий салоҳият, иқтидорларини тўлиқ намоён этишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, умуман темирйўлчи ёшларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборатдир.

Дастурда шунингдек, сиёсий — ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, спорт ва жисмоний тарбия, ёш ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишларида иш олиб бориш кўзда тутилади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг бошланғич ташкилотлари компанияда кадрларни сифатли тайёрлашга, уларнинг касбий тайёргарлигини ошириш билан бир қаторда иш билан таъминланишида ҳам яқиндан ёрдам кўрсатади. Шунингдек, компания қошида инглиз тили ўқув маркази ташкил қилинган. Унда чет элда ўз малакаларини ошириб қайтган ўқитувчилар ёшларга дарс ўтмоқдалар.

«Туркистон-пресс»

«ЧЕКИБ ТУРСАНГ, ОТДЕК ЮРАСАН» — дейишганди собиқ «дўстларим»



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу ерда даволанаётган айрим касаллар билан суҳбатлашдик.

— Оилам билан яхшигина ҳаёт кечирардик, — дея гап бошлади термизлик Э.М. — Ўша куни ишдан сал эртароқ қайтиб, уйдагилар билан телевизор кўриб ўтиргандим. Эшик қўнғироғи жиринглади, очсам, нариги кўчада яшайдиган икки нафар дўстим экан. Уйга таклиф этсам, унашмади. Юр кетдик, бир жойга бориб тез қайтамиз, дейишди. Олдинига кўнмадим, қарасам хафа бўлишадигандек. Кийиниб кўчага чиқдик. "Ҳозир бир дўстимникига бориб маишат қиламиз", деди улардан бири. Мен ароқ ичишса керак, деб ўйладим-да, уларга эргашдим. Шаҳарнинг чекка қисмида жойлашган бир уйга бордик. Биз борган уйда икки нафар аёл ва икки нафар эркак киши ароқ ичиб ўтиришарди. Улар даврасига қўшилиб, аввал ароқ ичдик, кейин улардан бири "Астра" сигаретидан бир дона чиқарди. Навбат билан чека бошлашди. Навбат менга келганда, бу нима қилганларинг, яхши сигаретлар туриб кунларинг шунга қолдими, дедим. Улар: "олдин бир чекиб кўр-чи, кейин мазасини биласан" деб кулишди. Йигитлик ғурурим топталмасин, деб икки маротаба тортгандим бошим худди бировникидек айлана бошлади. Орадан қанча вақт ўтганлигини билмайман, шерикларим "тур уйга кетамиз", дейишгандан сўнг ўзимга келибман. Эртаси куни тушдан сўнг нимагадир кайфиятим бўлмай, бошим оғрий бошлади. Уйга келиб дори ичсам ҳам қолмади. Баданларим увишиб, оғриқ кунда-кунга кучая борди. Шу аҳволда уйда икки кун туз тотмай ётдим, чунки иштаҳам йўқ эди.

Учинчи куни яна ўша дўстларим ташриф буюришди. Улар шунча кун ётганимни эшиттач, ҳалиги сигаретадан чиқариб чектиришди, "мана шундан чекиб турсанг, отдек бўлиб кетасан", деб маслаҳат беришди. Шундай қилиб гоҳида бир кунда, нари борса икки кунда бир дўстлар билан чекиб турдим. Орадан бир ой ўтгач, шу нарсани чекмасам оёқларим оғриб, ҳеч бир ишга қўлим бормай қоларди. Ишдан кўп қолганлигим сабабли мени ишдан ҳайдашди. Энди топган пулимга ўша дўстлар билан тез-тез бирга бўладиган бўлдим. Бир-биримизга укол қилиб, тонг отганини билмай қолардик. Ишсиз юрганингдан кейин ҳеч ким пул бермас экан. Шунинг учун кайф тутган маҳалларда уйдаги айрим қимматбаҳо нарсаларни сотадиган одат чиқардим. Бундан хабар топган турмуш ўртоғим роса жанжал қилди, лекин унинг гаплари қулоғимга кирмас эди. Шу аснода икки йил шундай ҳаёт кечирдим.

Бу нарсани доимий ароқ ичиш билан ташлаш мумкин, деган гапларга ишониб, ўзимни билмай қолгунча ичган кунларим ҳам бўлди. Лекин ўша нарсани истеъмол қилмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Хумори одамни тинч қўмас экан.

— Ёшим 32 да, оилалиман. 4 нафар фарзандим бор. Каттаси бу йил 9-синфни туталлайди, кичиги эса 5 ёшда,— деб таништирди ўзини Ангордан келган Т.Б. — Нима бўлди-ю, иккинчи синфда ўқийдиган ўғлимни йўлда "сен наркоманнинг ўғлисан, бизга қўшилма", деб роса уришибди. Шу алам қилдими ёки турмуш ўртоғимнинг маслаҳати кор қилдими, ўз ихтиёрим билан шу ерга даволанишга келдим. Тўғри, биринчи келган пайтларим жуда қийин бўлди. Лекин чидадим, фарзандларим келажаги учун чидашга мажбур бўлдим.

Ҳозир аҳволим жуда яхши, иштаҳам карнай, ҳеч қандай хумор ҳам тутмайди. Мана бир неча кундан сўнг уйга жавоб беришар экан. Уйга борсам фақат инсонларга яхшилик қилиш, меҳнат қилиш учун яшайман. Ёшларга илтимосим шуки, бу офатнинг ёнидан ҳам ўтманглар. У шундай нарса эканки, инсон организмини худди қурт каби кемирар экан.

— Бу ҳалокат йўлига кўпроқ ёшларимиз тушиб қолмоқда, — дейди диспансер бош ҳакими ўринбосари А.Маматқулов. — Айни пайтда касалликка чалинганларнинг 55 фоизини эркаклар, 45 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Халқимизда, қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, деган мақол бор. Ана шундай ҳалокат жари ёқасига келиб қолган кишиларни бу йўлдан қайтариш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз бўлмоғи керак!

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

ТАБИИЙЛИКНИ ЁҚТИРАМАН

«Turkiston» ҳаҳвахонаси

Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, таниқли санъаткор Фатхулла МАЪСУДОВ билан суҳбат

— Сиз нима сабабдан актёрлик касбини танлагансиз?

— Биласизми, ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Болалигимдан кино ва театр санъатига ҳурматим, меҳрим баланд эди.

— Кўпинча ижобий ролларни ижро этасиз. Бу режиссёрларнинг таклифими ёки ўзингиз салбий ролларни ижро этишни унчалик хуш кўрмайсизми?

— Бу режиссёрлар таклифи, албатта. Лекин салбий ролларни ижро этишни ҳам ёқтираман. Чунки, хиёнат, ёлғончилик, сўзда турмаслик, мунофиқлик, номардлик каби иллатларни юрак-юракдан ёмон кўраман. Баъзан салбий роллар билан ҳам инсонларда ёмонликка нисбатан нафрат уйғотиб, уларни қалтис ва ноҳуш йўллардан қайтара олсам, дейман.

— Ўзингизга хуш ёқадиган ролингиз қайси?

— Нодира Рашидова қаламига мансуб "Усмон Носир" спектаклида бош ролни, яъни Усмон Носир ролини ижро этиш бахтига муяссар бўлдим.

— Сиз кўпроқ "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувида чиқасиз. Бунинг сабаби нимада?

— Шу кўрсатувга кўпроқ таклиф қилишади.

— Ҳаётда ҳам саҳнадагидек жиддийми-сиз?

— Ҳам жиддий, ҳам хушмуомала бўлишга ҳаракат қиламан. Чунки инсон самимий бўлиши керак.

— Устозларингиз ҳақида гапириб бер-сангиз?

— Устозларим Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев, Эркин Комилов, Мираббос Мирзаахмедов, Лутфулла Саъдуллаевлардир. Мен улардан бир умр миннатдорман.

— Бир кам дунё дейишади, армонингиз борми?

— Армоним — отамни бевақт йўқотганман. Уларнинг жойлари жаннатда бўлсин.

— Қайси давлатларда бўлгансиз? Борган жойларингизда хорижликлар билан ўзбек халқининг ўхшаш ва фарқли томонларини кузатганмисиз?

— Францияда театр фестивалида (1991 й), Бирлашган Араб амирликлари, Ҳиндистон, Эрон, Россияда бўлганман. Ҳар бир халқнинг бошқаларга намуна бўла оладиган хислатлари бор. Масалан, франциялик ёш санъаткорларнинг самимийлиги, маданияти ва қизиқувчанлиги, ҳиндистонлик ижодкорларнинг оддий, дўстона муносабати, бошқа халқларга бўлган ҳурмати менга ёқади. Лекин ўзбек халқининг меҳр-оқибатлилиги, ҳаддан зиёд ҳурмат эътибори, ширин сўзлиги ва хушмуомалалиги сир эмаски барчага хуш ёқади.

— Сизни машҳур санъаткор Лутфулла Саъдуллаевнинг қизига уйланган, дейишади. Шундай машҳур санъаткорнинг қизига уйланишдан чўчимаганмисиз?

— Йўқ, чўчимаганман. Уларни санъаткор сифатида ва инсон сифатида жуда ҳурмат қиламан.

— "Тойчоқ" видеофильмида қайнотангиз билан бирга роль ижро этгансиз. Фильм давомида ҳатто у кишини ургансиз ҳам. Тўғриси, шу эпизодни суратга олишда қийналмадингизми?

— Бу мен учун жуда "популярный" — кўп учрайдиган савол. Очиғи, қўл кўтаришга қўлим бормаган. чунки Лутфулла ака менинг қайнотам, фарзандларимнинг буваси, аёлимнинг азиз отаси ва менинг ҳурматли устозим. Видеофильм мураккаб съёмка йўли билан суратга олинган, яъни қўл кўтарилган эмас. Гарчанд шундай кўринса-да.

— Фатхулла ака, Усмон Носир ролини ижро этаётганингизда қалбингизда қандай кечинмалар кечади? Ҳақиқий Усмон Носирдек сезганмисиз ўзингизни?

— Табиий ўйнашга ҳаракат қиламан. Чунки, устозларим шунга ўргатишган ва ўргатишяпти. Яратилган ҳар бир роль инсоннинг ўз ҳаёти, характери, хоҳиши ва иродаси туфайли яхши чиқади.

Сурайё САТТОРОВА
суҳбатлашди

САНАМЛАР "SANAM"И

Чинакам бахтни одам оиласидан топади. Жамият эса чинакам бахтли, руҳи тетик одамлар билангина ривож топади. Демак, шу гап рост. Жамият тараққиётида оилалар тотувлигининг роли катта. Оиланинг тотувлигида эса бош ролни аёл ўйнайди.

севимли мухлисларига яна бир имконият яратди

Ўзининг "Лаззат", "Таманно", "Sanam" чеварҳонаси" каби бир қатор рукнлари билан имкон қадар аёлларга кўнгилдагидек ҳамкор, ҳамроҳ, ҳамсуҳбат бўлишга интилаётган "Sanam" журнали ижодкорлари мухлисларга назарий ўргатишлар билан чекланмай, амалий сабоқлар беришга ҳам бел боғладилар. Келинг, бу тўғрида журналнинг бош муҳаррири Муборак Туроповадан эшитсак:

— "Sanam" тадбиркор аёллар журнали. Шунинг учун унинг ижодкорлари ҳам тадбиркор бўлиши керак. 2002-йилнинг январь ойидан бошлаб журналимиз қошида "Fason" ўқув маркази иш бошлади. Бежирим либослар бичишни, тўқишни ҳамда инглиз тилини ўрганиш ва лаззатли пиширикдар сирларини билишга қизиққан қизларимиз, опа-сингилларимиз келиб, 2-3 ойлик курсларда ўқишлари мумкин. Мақсадимиз — қизларнинг бекаму кўст уй бекаси бўлиб етишишларига кўмак бериш ҳамда жамиятимизнинг илғор вакилларига айланишини таъминлаш.

— Ижодкор одам янгиликсиз, изланишсиз яшай олмайди. Аммо унинг изланишига одамларнинг эҳтиёжи туртки бўлса, меҳнати кўпроқ қадрли ва самарали бўлади, назаримда.

— Тўғри, шу ҳақида ўйласам, бошлаган ишимизнинг келажаги порлоқ эканига чин дилдан ишонаман. Чунки "Fason" ўқув марказини ташкил этиш фикри бизда ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Билсангиз, журналимизда, "Sanam" чеварҳонаси", "Лаззат" каби рукнларимиз бор. Унда қизларимизни турли хил либосларни бичиш-тикиш ва лаззатли таомлар пишириш сирларидан воқиф этамиз. Бу сирлардан кўпроқ хабардор бўлишни истаган мухлисларимиз қўнгироқ қилиб, мактуб йўллаб ҳолижонимизга қўймайди. Биз бундан севинамиз, албатта. Чунки мутолаа ҳам мулоқотнинг ўзига хос шакли. Биз билан мулоқотда бўлишни истаган, биздан нимадир ўрганаётган мухлисларимиз кўп эканки, уларга мутолаа шаклидаги мулоқот кифоя бўлмай қолди. Тўғридан-тўғри мулоқотга эҳтиёж сезилди. Ва бу эҳтиёж бизни кўпроқ изланишга ундади.

— Халқ манфаатини кўзлаб бошлаган ҳар бир ишда авваломбор кишининг шахсий манфаати ётади...

— Манфаатдорлигимиз тўғрисида сўрамоқчисиз, шекилли? Ўқув марказида ўзимиз, яъни "Sanam" ижодкорлари фаолият юритяпмиз. Бу эса биз учун қўшимча даромад олиб келяпти, моддий манфаатдорлигимизни ошираяпти. "Sanam" чеварҳонаси" рукнини тайёрловчи Заҳро Турсунова тикиш-бичишни ўргатади. У ҳафтада уч кун, уч сменада ўқитади. Ҳар бир гурухда бештадан қиз бор. Инглиз тилидан эса корректор

қизимиз Шаҳло Солиева дарс беряпти. Қўлда тўқишни ўргатиш ўзимнинг зиммамда. Бу курслар ҳозирча ҳафтада бир кун, бир сменада ишлаб турибди.

— Курсларни кенгайтириш ниятингиз борми?

— Албатта. Курсни битирган энг истеъдодли талабаларни ишга олиб қолмоқчимиз. Қизларимизни ўқитиш билан бир қаторда, улар яратган маҳсулотларни сотиш ва ижарага беришни ҳам йўлга қўйиш ниятимиз бор. Шу мақсадда ҳозир замонавий модаларда тўй либослари ва турли туман пардалар тикиш билан шуғулланяпмиз. Келгусида "Sanam" саҳифаларида журналхонларимизга янада мароқли ва мазмунли дамлар тухфа этиш эса асосий ниятимиз.

«Turkiston» мухбири Ойдин ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК»НИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ

Сиз учун қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

1. **"Оқ олтин"** — муддати 6 ой, йиллик 30 фоиз. Омонат миқдори камида 2000 сўм.
2. **"ИШОНЧ"** — муддати 6 ой, йиллик 32 фоиз. Омонат миқдори камида 5000 сўм.
3. **"ПАХТАКОР"** — муддати 3 ой, йиллик 25 фоиз. Омонат миқдори камида 1000 сўм.
4. **"ОМАД"** — муддати 3 ой, йиллик 28 фоиз. Омонат миқдори камида 3000 сўм.
5. Талаб қилиб олгунгача муддатга йиллик 10 фоиз.
6. **"6 ой муддатга"** йиллик 30 фоиз. Омонат миқдори камида 2000 сўм.
7. **"СОҒЛОМ АВЛОД"** 12 ой муддатга йиллик 36 фоиз миқдорида.
8. **"1 йилдан 3 йилгача"** муддатли омонат йилига. 40 фоиз миқдорида.
9. **"3 йилдан 5 йилгача"** муддатли омонат йилига. ***45 фоиз миқдорида***
10. **"2000" омонат тури** — жорий йил давомида 1 ой ва ундан ортиқ муддатга очилади, йиллик 25 фоиз миқдорида даромад тўланади. Омонат қоғозини тўлдириб, ундан қўйилган маблағ ҳамда фоизларни исталган вақтда олиш мумкин.
11. **"Фаровонлик"** 3 ва 6 ойга очилади, йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори 5000 сўм.
12. **"Навниҳол"** 1 йил муддатга 16 дан 25 гача ёшдагиларга очилади. Фоизлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиялаштириш ставкаси ҳисобидан даромадлар тўланади. Бошланғич бадал 1000 сўм. Омонат миқдори оймаой оширилиб бориб 50000 сўмга етказилган тақдирда, омонатчи фоизлар бўйича оладиган даромадлари ҳисобидан 10 фоиз миқдорида қўшимча даромад билан рағбатлантирилади.
13. **"Барака"** 3 ва 12 ойга очилади. Йиллик 20 фоиздан 35 фоиз миқдорида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори 20000 сўм
14. **"Болалар келажагимиз"** 2001 йил 1 июндан бошлаб, 5 йил давомида 50 фоизгача ҳақ тўланади. Энг кам миқдори 10000 сўм, энг кўп миқдори чегараланмайди. Бу депозит тури 14 ёшгача бўлган болаларга очилади.
15. **"Қариялар қадр-қиммати"** 2002 йил 11 февралдан, 1 июлгача қабул қилинади, қўйилган суммасига қараб йиллик 50 фоизгача ҳақ тўланади. *Энг кам миқдори 5000 сўм, энг кўп миқдори чегараланмайди.*

Бу депозит тури нафақадаги пенсионерлар учун жуда қулай омонат тури ҳисобланиб, уларга мавжуд маблағидан унумли фойдаланиши учун қулай имконият яратилади.

"ПАХТА-БАНК" бўлимларига қўйилган омонатингизни сир сақлашга ва ўз вақтида фоизи билан тўлаб беришга кафолат беради.

«ПАХТА-БАНК» МАЪМУРИЯТИ

TERMIZ HAYVONOT BOG'IDAN REPORTAJ

«Қизил китоб»га киритилган...

Ажойибот Ва Ғаройибот Олами

Шу кунларда Термиз ҳайвонот боғига ташриф буюрган киши кўзларига ишонмайди. Чунки, ҳайвонот боғи ўтган бир йил мобайнида бутунлай қайтадан таъмирланди. Илгари ҳайвонлар сақланган эски тор қафаслар ўрнига жониворларнинг яйраб яшашлари учун кенг ва шинам масканлар бунёд этилди. Илгари қаровсизликдан нобуд бўлган ҳайвонлар ўрнига янгилари келтирилди. Бир сўз билан айтганда, қарийб унутилаёзган ҳайвонот боғи, нафақат болакайларнинг, балки барчабарчанинг севимли масканига айланишда ибрат кўрсатишди. Бир юртдошимиз ҳайвонот боғига битта беш ёшли шерни, иккита айиқ ва бир бош буғу ҳамда "Қизил китоб"га киритилган бурама шохли тоғ эчкисини келтириб берди. Яна биров бир жуфт мифлон (кийиксимон жонивор) ҳадя этди. Яна бир киши бир ҳиммат кўрсатмоқчи, яъни икки йил бурун ўлган бегемот ўрнига янгисини олиб келмоқчи. Ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. Бир жуфт йўлбарс, Ҳимолай айиғи, буғма илон (питон), икки бош кемеров эчкиси, тўртта жайрон, бир жуфт бўри ҳамда икки бош тоғ қўйи (архар) олиб келдик. Япон маймуни — Макака ҳам томошабинларнинг севимли жониворига айланиб қолди.

Ҳайвонот боғи чинданам ажойиб ва ғаройиботлар оламига айланди. Тоғ бургутлари учун илгариги файзсиз тор қафас бузилиб, ўрнига бемалол парвоз қила оладиган даражада кенг ва ичида сунъий тоғи бўлган янги маскан бунёд этилган. Айниқса, ҳайвонот боғининг "ҳокими" — йўлбарснинг уйи данғиллама қилиб қайта қурилди. Қушлар ва даррандалар бўлими янги «меҳмон»лар ҳисобига янада бойиди. Алоҳида ғамхўрликдан завқланибми, тутқунлик шароитида эканлигини унутган тустовуқ жўжа очди. Нар какликка суюкли макиёни бир-биридан жажжи ва ёқимтой бўлган 31 дона жўжа, йўлбарс "хола" ҳам ҳокими-мутлоқ хўжасига ворис ҳадя этди.

— Сурхондарёликлар ушбу масканнинг қайтадан яшаришига ҳисса қўшди, — дейди Термиз ҳайвонот боғи директори Чори Сатторов, — ҳар ким қўлидан келганича кўмак берди. Биз матбуот орқали воҳамиз табиатсеварларига мурожаат қилиб, ҳайвонот боғининг бўшаб қолган қафасларини ноёб ҳайвонлар ва қушлар, даррандалар билан тўлдиришда улуш қўшишга чақирдик. Натижа ёмон бўлмади. Табиатсевар овчилар, ҳаттоки фаол мактаб ўқувчиларигача ушбу хайрли моқда.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОДОВ, журналист

ЗЕҲНИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Мен уйга кириб, шкафдан ботинкам ва пайпоғимни олмоқчи эдим. Уй қоронғи ва у

ерда синглим ухлаб ётган эди. Шкафда менинг уч жуфт, ҳар хил фасондаги ботинкам ва 12 жуфт қора ва оқ пайпоқларим бўлиб, улар шкафнинг қайси жойидалигини яхши билар эдим. Синглимни уйғотиб юбормаслик учун чироқни ёқмасдан шкафга яқинлашдим.

Ботинка ва пайпоқларим ўз жойида, лекин ҳаммаси аралашиб ётган экан. Бир хил фасондаги бир жуфт ботинка ва иккита бир хил пайпоқ чиқиши учун мен нечта ботинкани ва нечта пайпоқни қоронғи уйдан ёруғ уйга олиб чиқишим керак (энг кам миқдорда)?

Жавобларингизни кутамиз

ФЕВРАЛДА НЕГА КУНЛАР КАМ?

Маълумки, февраль Григориан йилномаси бўйича йилнинг иккинчи ойи ҳисобланади. Бу ойда бошқа ойларга қараганда икки-уч тонг камроқ отади. Ҳар 4 йилда келувчи кабиса йилида эса 29 кун билан февраль ой якун топади.

Бунинг сабаби шундаки, эрамиздан аввалги 700 йилда йил март ойидан бошланган. Ўн ойлик қадим Роман йилномасига январь, февраль ойлари киритилгани боис, эрамиздан аввалги 45 йилга келиб, Юлиан ўз йилномасига февраль ойининг сўнгги куни ҳар тўрт йилда бир келувчи йигирма тўққизинчи кунни қўшиб қўяди. Февраль ойининг кунлари камлигини ва кабиса йили мавжудлиги ўша давр олимлари йилномани "қуёш йили" билан тенглаштиришга ҳаракат қилингани билан баҳолайдилар.

Февраль сўзи аслида, кириб келаётган янги йилни пок, ғуборсиз кутиб олишни ифодалаган. Шу сабабдан, айнан мана шу ойда Луперкалия — пок аёллар учун ва Февралия — вафот этганлар шарафи учун тавба қилишиб, Февруарга атаб байрамлар ўтказилган.

Қадимда Англо-саксонлар бу ойни "Гулкарамойи" деб номлашган. Чунки гулкарам уларнинг севимли таоми бўлган. Французлар эса айнан мана шу Плувиосе (ёмғир ойи) ва Вентосе (шамол ойи) деб аташади. Февралнинг рамзий гули бинафшагул бўлиб, сиғинувчи тоши эса амезиятдир.

Рустам СУЛАЙМОНОВ

БОШҚОТИРМА

ЭНИГА:

3.Хўл. 7.Ўзбек эртаклардаги «карнайчи». 10.Ходадан кесиб олинган бўлак. 11.Тўрт ҳалифадан бири. 12.Пахмоқ юнгли сут эмизувчи жонивор. 13.Қуритилган узум. 16."Меҳробдан чаён" романи қаҳрамони. 23.Геометрик жисм. 24.Шоир Аваз Ўтарнинг касби. 27.Гапирадиган қуш. 28.Узумнинг эртапишар нави. 29.Шифобахш ичимлик. 30.Россияда ишлаб чиқариладиган автомобиль русуми. 33.Канаданинг пойтахти. 35.«Муҳаббат афсонаси» фильми қаҳрамони. 37.Шоирнинг ғазалига жавобан ёзилган асар. 41.Халқ мақолига кўра у арслонни ҳам йиқитади. 42.Кўз ва пешонанинг қўшниси. 43.Муҳтож. 44.Осмон. 45.Хушёрнинг акси. 47.1826 йилда металл ўтказгичнинг учлари орасидаги кучланишнинг занжирдаги ток кучига нисбати ўзгармас эканлигини аниқлаган немис физиги. 48."Шайтанат" фильмидаги образ. 49.Бир давлатнинг бошқа бир давлатга ёзган расмий дипломатик мурожаати. 54.Вулқон оғзи. 56.Фармонбибининг «агент»и. 57.Пулни майдалаш ёки алмаштириб бериш билан шуғулланувчи шахс. 61.Гуноҳкор. 62.Кўзни алдовчи манзара. 63.А.Чехов қаҳрамонининг «кулб»аси. 64.Бахт-саодат, омад рамзи бўлган қуш. 68.Спорт мусобақаларининг бошланиш пайти. 69.Христиан динида никоҳ ўқувчи руҳоний. 74.Жайрона «Жимжитлик»нинг касби. 75.Хўл мева. 76.Бошоқли дон. 79.Қўшиққа ишлашган мини-фильм. 80.Тунги «директор». 83.Тувакдаги типратикан. 86.Кечки пайт. 87."Махфий хужжатлар" телесериали қаҳрамонини гавдалантирган актриса. 89.Тўйда келин-куёв устидан сочиладиган танга ёки ширинлик. 93.Тиғи сопи ичига қайириб, ёпиб қўйиладиган пичоқча. 97.Россиялик қўшиқчи. 98.Харидор билан сотувчи ўртасидаги муносабат. 99."Тронхобронхит" сериали қаҳрамони. 100.Асалари ишлаб чиқарадиган сақичсимон модда. 101.Бразилиядаги шаҳар номининг қисқа шакли.

БЎЙИГА:

1.Тана аъзоси. 2.Кўп эмас. 3.Чолғу асбоби. 4.Қотган сув. 5.Кир ювиш воситаси. 6.Мўътабар зот. 7.Тўсиқ. 8.Унинг қадрини заргар билади. 9.Фасл. 14.Асалари маҳсулоти. 15.У "кўз тегмасин" деган ниятда ё осиб қўйилади, ё тутатилади. 17.Юқорига чиқиб-тутиш мосламаси. 18.Ҳижрий-шамсий ойлардан бири. 19.Юза. 20.Бошдан кечирилган воқеа. 21.Пайғамбарлардан бири. 22.XIX асрда Ўрта Осиё халқларининг судьяси. 25.Тўрт томон. 26.Рассом қуроли. 31.Йил ойларидан бири. 32.Ўрта баҳор. 34.Отнинг боласи. 36.«Генерал» буви. 38.Уни бешикдан қабргача излаш керак. 39.Бахт-саодат. 40.Дарёнинг бошланиши. 46.Уч мушкетёрдан бири. 50.Полиз экини. 51.Қўкат. 52.МХЛда иштирок этувчи жамоа. 53.Қуёш. 55.Қуёш системасидаги учинчи сайёра. 58.Самолёт русуми. 59.Японияда шаҳар. 60.Эгар силжимаслиги учун отнинг думи остидан айлантириб, эгарга бириктирилган қайиш. 65.Арман эпоси-"Довуд Сосуний" образи. 66.Саноқ сон. 67.Тарихда даромаднинг 10 фоизи ҳисобидан олинадиган солиқ. 70.Пенсилвания штатидаги шаҳарча. 71.Россиядаги музей. 72.Фауст-нинг севгилиси. 73.Шайтон билан баҳсга киришган аллома (Гёте). 77.Нураган тоғ жинслари тўпланган жой. 78.Сув ёки шамол кучи билан айланадиган содда механизм. 81.Майда гуруч. 82.Кимёвий модда. 84.Рус ўйини. 85.Шариат бўйича эри ўлган ёки турмушдан ажралган аёл учун турмушга чиқиш маън этилган маълум бир муддат. 88.Аралаш ранг. 89.Водород ва кислород бирикмаси. 90.Ажриқ. 91.Ўзингизда бўлсада, уни асосан бошқалар ишлатишади. 92.Мотоцикл русуми. 93.Наманган вилоятидаги туман. 94.Гаранг. 95.Ишора. 96.Жанубий Америкадаги тоғ тизмаси.



Тузувчи: Масъуд ТУРСУНЗОДА

КУЛГИ БЕКАТИ

— Бу 33- квартирами?
— Йўқ, учинчи.
— Нега менга 33 кўринаяпти?

Рассом А. ҲАКИМОВ

Муҳим операциядан олдин бемор шифокордан сўради:

— Кечирасиз-у, олдинлари ҳам шунақанги операциялар қилганмисиз?

— Ҳа, албатта.

— Ўша беморнинг манзилгоҳини биласизми, бир суҳбатлашмоқчи эдим.

— Афсуски, буни иложи йўқ. Уни дафн этишган.

* * *

Мижоз:

— Ўтган йили сиз менга фол очиб, никоҳ қуришим ва фарзанд кўришим ҳақида айтгандингиз.

Фолбин:

— Хўш, нима бўлди?

Мижоз:

— Фарзандли бўлдим-да, лекин қачон турмушга чиқаман.

* * *

— Ойи, 50 сўм берсангиз, кеча кечқурун дадамнинг қўшни аёлга нима деганини айтиб бераман.

— Мана 50 сўм, қани айт-чи, даданг нима деди унга?

— Дадам унга, хўжайинингизга айтинг, машинасини олсин, йўлни тўсиб қўйибди, деди.

* * *

Шаҳар мэри:

— Мана, ниҳоят бизнинг шаҳримизда ҳам жиноятчилик умуман тўхтатилди. Кечагина охирги жиноятчини кимдир отиб кетибди.

* * *

— Вой, дадаси, ўғлингиз 10 сўмлик тангани ютиб юборди. Тезроқ врач чақиринг!

— Кераги йўқ. Ўша 10 сўмлик тангани чиқараман, деб врач 200 сўм сўрайди.

Сулаймон РУСТАМ

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан Юлдашев Баҳодир Алимович номига якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун берилган №1105749 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Айша Мамутовна Аблялимова номига 1977 йилда Тошкент кооператив техникуми (ҳозирги Тошкент кооператив тижорат коллежи) томонидан берилган №461929 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан Исломов Қодиржон Тоировичга берилган №1345-0 сонли ордер йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00 Топширилди 21.30

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — *Термизда:* 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — *Бухорода:* 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — *Гулистонда:* 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — *Фарғонада:* 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — *Самарқандда:* 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — *Урганчда:* 8-362-22 — 7-45-22
Наманган вилояти бўйича — *Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70*

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Ойдин ЙЎЛДОШЕВА
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ